

ЁШЛАРДА ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ

Мамаюнусова М.И.

Фарғона политехника институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6660145>

Аннотация: Мақолада Янги Ўзбекистон тараққиётида инновацион тафаккур имкониятларининг аҳамияти ва бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар баён қилинган. Шунингдек, унда ёшларнинг янгича фикрлаш фазилатлари ва унинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрни масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Инновация, инновацион тафаккур, инновацион изланиш, инновацион тараққиёт, Янги Ўзбекистон стратегияси, илм-фан, техника, технологиялар.

Ёшлар жамият аҳолисининг алоҳида қатлами сифатида бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг орасида ёшларнинг янгиликка ўчилиги, инновацион ривожланишнинг ҳал қилувчи субъекти ва ташаббускори бўла олиш жиҳатлари алоҳида эътиборга моликдир. Эътиборлиси шундаки, ёшлар янгиликка ўч бўлиши билан бирга, янги ғоя ва янгича ёндашувларни фаол қўллаб-қувватлашади ҳам. Бу борадаги ёшлардаги тиниб-тинчимаслик, серҳаракатлик, куч-ғайрат, муайян мақсад томон интилиш ва жўшқинлик келажакка нисбатан оптимистик руҳ билан қараш, эртанги кунга ишонч, турмушда учрайдиган тўсиқ ва қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтиш сингари сифатларни эгаллаш сари ундайди. Машҳур ҳинд адиби Р.Тагор таъкидлаганидек, "Чексиз орзу умид ва жўшқинлик ёшларнинг асосий бойлигидир" [2;578].

Шунинг учун мамлакатимизда қадим-қадимдан ёшларнинг интеллектуал қобилиятини ўстириш масаласига жиддий муносабатда бўлиб келинган. Бунда оиладаги муҳит, соғлом тумуш тарзи, ахлоқий нормалар ва қадриятлар қатори замонавий илм-фан ютуқларидан хабардор қилишга катта эътибор берилган. Зеро, "Қуш уясида кўрганини қилади", деган халқимизнинг машҳур мақоли бежис айтилмаган. Бугунги кунга келиб ҳам ушбу масала жуда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юқорида қайд этилган жиҳатларни алоҳида уқтирган ҳолда таниқли файласуф олима Х.О.Шайхова ёзадики, "XXI аср ёшларининг етук, мукаммал шахс сифатида камол топиши, юксак онг, тафаккур, дунёқараш, чуқур билим, маънавият, маданият, хулқ-одоб, ижтимоий соғлом муҳит, ўзаро муносабат моҳиятини англаб етган, ақл-фаросат, салоҳият ва нафосат эгаси бўлиш зарурлигини ҳаёт фалсафаси ҳамда соғлом турмуш тарзи талаб этмоқда. Бу жараён жамиятни соғломлаштириш, соғлом

ижтимоий муҳитни яратиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, соғлом маънавий-ахлоқий фазилатларнинг шаклланиши ўзлигини чуқур англаш учун хизмат қилади. Оқилона турмуш тарзига хос ахлоқий фазилатлар инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, яхшилик, адолатпарварлик, бағрикенглик, эзгулик каби маънавий қадриятлар билан бойитмоқда. Аллома Форобий айтганидек, инсон билим олиш орқали ҳақиқатни англаса, ахлоқ ва одобли киши яхшиликни англайди ва амалий ҳаётида унга асосланган ҳолда яшайди. А.Насафий эзгулик ва мусаффолик тарбиянинг энг муҳим хусусиятлари эканлигига тўхтаб шундай дейди: - “Инсоннинг энг олий вазифаси узлуксиз маърифатга интилиш ва нур билан тўлашиш ва билим топиб, мусаффолик сари интилишдир. Ҳар бир кишининг мақоми, яъни комиллиги билим ва амалга, қобилият ва инсоний хусусиятларига боғлиқдир” [3;54]. Бинобарин, баркамол авлодни тарбиялашга бутун жамият, аввало, кекса авлод вакиллари ва таълим-тарбия тизими масъулдир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам таълим-тарбиянинг инновацион ривожланиш мақсадига мувофиқлаштирилган тизимини шакллантириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Бу тўғрида Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзи алоҳида таъкидлаб ёзишган эдики, “Мамлакатимизни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, энг аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар ва бошқа илмий-техникавий тузилмалар фаолият юритмоқда”[1;235]. Ана шу мақсадда мамлакатимизда Мактабгача таълим вазирлиги, ихтисослаштирилган Президент мактаблари, ижод мактаблари, математика мактаблари, илғор чет давлатдаги илғор олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилаётгани, мактабдаги ва олий таълимдаги ўқув жараёнларининг амалиётга, инновацион ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилаётганлиги, талаба-ёшларимиз таълими ва тарбиясида уларнинг интеллектуал ривожланишини назарда тутган модул тизимига ўтилаётгани кабилар мамлакатимиз тараққиётини инновацион ривожланиш талабларига мувофиқлаштириш мақсадидаги амалий ҳаракатлардир. Кейинги йилларда бу борада юртимизда анчагина ишлар амалга оширилдики, мазкур ютуқлар, ўйлаймизки, ҳақли равишда

мамлакатимиз салоҳиятининг бугунги даражасини Янги Ўзбекистон деб аташ учун тўлиқ асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, фундаментал фанлар ривожига улкан ютуқларга эришилди, уларни амалиётга тадбиқ этиш ишлари ҳам катта қониқиш ҳосил қилмоқда. “Табиий фанларнинг асосий соҳалари – астрономия, физика, кимё, биология, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа жабҳаларда жаҳон миқёсида қизиқиш уйғотаётган натижаларга эришилди. Иқтисодиётнинг минерал хом-ашёлар ресурсларини чиқиндисиз ва самарали қайта ишлаш, қуёш энергетикаси ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кимё, биотехнология, генетика, экология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фармакология, тиббий диагностика каби ҳаётий муҳим тармоқларда маҳаллий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда”[1;236].

Республикамизда янги ташкил этилган Мактабгача таълим вазирлиги зиммасига соҳа фаолиятини ташкил этиш, вазирлик тасарруфидаги муассасаларни зарур кадрлар ва тарбиячилар билан таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан бирга олий маълумотли мутахассис кадрлар сафини кескин кенгайтириш вазифалари юклатилди. Айниқса, қишлоқ жойларидаги болалар боғчаларининг моддий техника базаси ва уларнинг санитария гигиена ҳолатларини замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолда яхшилаш муаммоларига жиддий эътибор берилиши асосий мақсад қилиб олинди. Уларда хизмат қилаётган мураббийларнинг атиги 12 фоизи олий, 46 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга эди. Шунингдек, мазкур таълим муассасаларида хорижий тил, ижодга ўргатувчи мутахассисларга нисбатан катта эҳтиёж мавжудлиги ҳам соҳани ривожлантиришда ушбу йўналиш жиддий вазифалар мавжудлигини кўрсатар эди. Республикамизнинг чекка туманларидаги бу борадаги аҳвол, айниқса, алоҳида эътиборни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам Президентимиз топшириғи билан Мактабгача таълим вазирлиги ва махсус марказлар ташкил этилиб, ушбу муаммо ва вазифаларнинг қисқа муддатда ечимини топиш ва бартараф этиш чораларини кўриш амалга оширилди. Бошқача қилиб айтганда мактабгача ёшда бўлган авлод вакиллариининг интеллектуал қобилиятларини шакллантиришнинг янгича ва замонавий тажрибаларини амалиётга киритишга киришилди.

Яқин келажакда қабул квоталарини 50 фоизгача етказиш мўлжалланган. Бу эса ўрта мактабни битираётган ёшларимизнинг ҳар иккитадан биттаси

мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари талабаси бўлиш шарафига муяссар бўлишини англатади. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кескин кенгайтириш, тажриба алмашиш ва талабаларимизнинг чет элларда таълим олиш ва малака ошириш мақсадидаги ташрифларини кўпайтириш тадбирлари белгиланди. Табиийки, буларнинг барчаси талаб-ёшларимизда янгича инновацион фикрлаш тафаккурини шакллантириш мақсадлари учун самарали хизмат қилади.

Барчамизга маълумки, ҳар қандай инновацион ривожланишни замонавий билимлар, илмий-техник ихтиролар ва ишланмалар, янгилик излашга иштиёқ кабилардан иборат инновацион тафаккурсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунда инновацион тафаккур таркибини соф илмий тадқиқот изланишларидан иборат интеллектуал субъектив жараёнлар билан бирга ижтимоий борлиқнинг турли томонларини теран англаш билан боғлиқ бўлган жиҳатлар ҳам ташкил қилади. Жумладан, Ватан равнақи, юрт ривожини, инсон ҳаёти ва турмушини яхшилаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш кабилар билан боғлиқ жараёнлар ҳам инновацион тафаккурнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Зеро, инсон онгли мавжудот сифатида доимий равишда изланади, яратувчилик фаолияти билан шуғулланади. Унинг ҳаёти ва турмуши бемақсад вақт ва умр ўтказишдан иборат эмас. Жумладан, инсон ўзи яшайдиган ижтимоий борлиқни ҳам ўзгартирмасдан яшай олмайди. Доимо бир янгилик пайида бўлади, уни олиб кириш билан турмушини бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўра яхшилаш учун интилади. Келажакка бўлган ишонч туйғуси унга тиним бермайди. Бундай сифатлар, айниқса, ёшларда устиворроқ бўлади, десак муболағасиз фикрлаган бўламиз.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Янги Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёти инновацион ривожланиш борасида янгича фикрлайдиган, умрини, ҳаётини илм-фан равнақи ва ривожини учун бағишлаган, замонавий фан тараққиёти ва ютуқларига бефарқ бўлмаган юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, ижодий фаол ёшларни тарбиялашни тақозо қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда бу борада катта изланишлар олиб борилмоқда, янги-янги олий ўқув юртлари ташкил этилмоқда. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги инновацион изланишлар асосан жаҳон стандартларига мувофиқ келадиган замонавий фикрлайдиган мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратилган. Бу борада эришилаётган муваффақиятлар, шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга

кўтаради. Инновацион тафаккур эгалари бўлган ёшларимиз эса Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун муносиб ҳиссаларини қўшишади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Мирзиев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Т., "Ўзбекистон", 2022
2. Афоризмы. Минск: Современный литератор, 1999. – С. 578.
3. Шайхова Х.О. Баркамол авлод ахлоқий қадриятлар қуршовида. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010.
4. Azimjonovich R. I. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – Т. 163.
5. Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. MAHALLA INSTITUTE-THE FOUNDATION OF CIVIL SOCIETY OF UZBEKISTAN.
6. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.
7. Рахимов И. А. ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ, КОТОРЫМ ВОСХИЩАЕТСЯ МИР //Современные научные исследования: тенденции и перспективы. – 2020. – С. 93-102.
8. Рахимов И. А. ОСНОВАНИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА МАХАЛЛА //Инновационное развитие современной науки. – 2021. – С. 32-37.
9. Рахимов И. А. ИЗ ИСТОРИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ТУРКЕСТАНСКИХ МЕСТНЫХ ИНВЕСТИРОВ В КОНЦЕ 19 И НАЧАЛЕ 20 ВЕКОВ //Актуальные вопросы современной науки и практики. – 2020. – С. 111-115.
10. Raximov I. A. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 215-222.
11. Rakhimov I., Abdullayev S. UZBEK NEIGHBOURHOODS: HISTORY AND NOWADAYS //Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.
12. Rahimov I. NEIGHBORHOOD DEMOCRATIC MATERIAL //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 31-34.
13. Рахимов И. А., Нурматов Л. О. Ў. КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.

14. РАХИМОВ И. А. ДЕЙСТВИЯ УЗБЕКИСТАНА В УРЕГУЛИРОВАНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В АФГАНИСТАНЕ //НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОСТИ Учредители: Индивидуальный предприниматель Кузьмин Сергей Владимирович. – №. 11. – С. 5-11.
15. Azimjonovich R. I., Nafisaxon A., Sitoraxon K. MUSTAQILLIK YILLARIDA KO 'P MILLATLI VA KOR KONFESSIYALI MAHALLALAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //" Yosh Tadqiqotchi" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-42.\
16. Abdumannonovich N. M. et al. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Yosh Tadqiqotchi Jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 69-74.
17. Rakhimov I. A. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Современные проблемы и перспективные направления развития науки. – 2021. – С. 9-17.
18. Рахимов И. А. ИНСТИТУТ МАХАЛЛИ КАК ОСНОВА МЕЖЭТНИЧЕСКОЙ ГАРМОНИИ //Science Time. – 2022. – №. 1 (97). – С. 30-33.
19. Мирзаев А. А. ЎЗБЕКИСТОНДА ГИД ТАРЖИМОНЛАР ЭТИКА СТАНДАРТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ //ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ. – 2019. – С. 81-84.
20. Эргашев У. О., Мирзаев А. А. СОДЕРЖАНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ПОЗИТИВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В ДУХОВНОМ МИРОВОЗЗРЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.
21. Мирзаев А. А. ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ОБЗОР ТУРИСТСКИХ ВЫСТАВОК В УЗБЕКИСТАНЕ //Вестник Науки и Творчества. – 2022. – №. 2 (74). – С. 51-58.
22. Мирзаев А., Махмудова А. ИЧКИ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 255-262.